
Меҳнат инсонни улуғлайди

Аёл учун тинч ва фаровон юртда яшашдан, оила ва жамият эъзозида бўлишу соғлом фарзандларни камолга етказишдан ортиқ саодат йўқ. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади.

Джалолова Ўлмасхон Турдиматовна кўп йиллик меҳнат фаолиятини туман ҳокимлигида ўтказди. Ходимлар хоналарини озода ва саришта тутишдаги меҳнатлари бугун қадирланар экан нафақа ёшига етган Ўлмасхон опа бу эҳтиромдан шод бўлди.

Бағдод тумани ҳокими Ғанижон Солиев эзгу тилаklarини билдириб - барча-барчамизни меҳримизни қозонгансиз. Доимо, юзингиздан табассум, қалбингиздан шоду хуррамлик аримасин! Сизга соғлик-саломатлик, бахту саодат, хонадонингизга тинчлик-осойишталик, файзу барака тилаймиз ва ташаккурномамиз билан бирга эсдалик совғамизни қабул қилинг - деди.

Сўзга чиққанлар софдил, камтарин, меҳрини ўз ишига бахшида этган Ўлмасхон опага ва таваллуд айёмини нишонлаётган туман хотин-қизлар бўлими мутахассиси Шаҳлохон Чўяновага яхши тилаklarини билдиришди.

https://t.me/bagdodim_news

2024-07-19 10:06:37